ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00935

# ЖАДИДЧИЛИК ХАРАКАТИДА ГЕОМАДАНИЯТ БИЛАН БОҒЛИҚ ХАЛҚ ТАСАВВУРЛАРИ ВА ЭКОЛОГИК АНЪАНАЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

**Акрам Бахромович Ғуломов**
Фарғона давлат университети ўқитувчиси
ilmiy@inbox.ru

## АННОТАЦИЯ

Мақолада Жадидчилик харакатида геомаданият билан боғлиқ халқ тасаввурлари ва экологик анъаналарининг таҳлили илмий ахамияти ёритиб берилган. Шу билан бирга имкониятлари, усул ва воситаларини яратиш ижтимоий қарашлари ва унинг етук вакиллари томонидан атроф-муҳит, табиатга оқилона муносабатни шакллантириш, табиатни асрашга доир қарашлари, миллий табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш намуналари асослаб берилган.

**Калит сўзлар**:Табиат, маданият, геомаданият,геоэкология, маънавий-ахлоқий, матбуот, ижтимоий-маданий, ижтимоий-сиёсий,миллий табиат.

# ANALYSIS OF PEOPLE'S IMAGES AND ECOLOGICAL TRADITIONS RELATED TO GEOMADANCY IN THE JADID MOVEMENT

## ABSTRACT

The article highlights the scientific significance of the analysis of folk ideas and ecological traditions related to geoculture in the Jadid movement. At the same time, the social views on the creation of opportunities, methods and means and its mature representatives are based on examples of the environment, the formation of a rational attitude to nature, views on nature conservation, rational use of national natural resources.

**Keywords:** Nature, culture, geoculture, geoecology, spiritual-ethical, press, socio-cultural, socio-political, national nature.

## КИРИШ

Жаҳонда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, глобал экологик ҳолатни барқарорлаштириш инсон онги, тафаккури, ақл-идроки, интеллектуал салоҳиятига боғлиқ эканлиги, табиатга нисбатан юксак маданият ва

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00935

дунёқарашни шакллантириш, геомаданият ва шахсий гигиена, табиий мувозанатни бузмаслик тўғрисидаги қарашларини қайта кўриб чиқиш долзарб муаммога айланди. БМТ бош котиби Антониу Гутерриш дунё "табиатга қарши урушни" тўхтатиши ва иқлим ўзгариши билан курашиш учун ўзида кўпроқ сиёсий ирода топа олиши лозим.Унинг таъкидлашича, табиатга қарши урушни тўхтатишнинг имкони бор.Бундай вазиятда илм-фан олдида янгича тадқиқотлар, ёндашувлар ва концепциялар яратиш вазифалари юзага чиқмоқда.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги ПФ-5863-сон Фармонига биноан 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида қарорида Мамлакатимизда атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, санитария ва экологик ҳолатни яхшилашни таъминлаш соҳасида бир қатор вазифалар белгилаб берилди.Унга кўра аҳолининг экологик маданиятини шакллантириш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат органлари фаолиятининг шаффофлик даражасини ошириш ва фуқаролик жамиятининг ролини кучайтириш, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Ўзбекистон Экологик партияси билан биргаликда ёшларда атроф муҳитга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлишни шакллантириш, табиатни сақлаш, ҳаво, сув ва тупроқ ифлосланишига, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига зиён етказилишига йўл қўймасликка қаратилган жараёнларни янада жадаллаштириш вазифалари берилган. Фуқоролик жамияти олдидаги экологик хавф-хатарни бартараф этиш ва ривожланишнинг барқарор йўлига ўтиш концепцияси бўйича кишилик жамиятида бир неча минг йилликлар давомида доимо ўзгариб келган, геоэкология илмий йўналишининг асосий кўрсаткичлари ҳиссобланган, табиатдан фойдаланиш ва маҳсулот ишлаб чиқариш миқдори, аҳолининг сони, табиий ресурслардан фойдаланиш кўлами, табиатдаги антропоген босим миқдори, экологик ва этноэкологик ландшафт мувозанати каби кўрсаткичларни ўзгаришини макон ва замонда назорат қилиш зарурати пайдо бўлмоқда. Бу эса, ўз навбатида экологик мувозанатни сақлаб қолишга инновацион қарашлар билан бир қаторда тарихий ёндашув зарурлигини кўрсатади. Геомаданият бу табиат ҳақидаги билим, онг, идрок, саводхонлик, интеллектуал салоҳият ва уни амалда қўллай билиш фаолияти, атроф-муҳитга нисбатан фаолиятнинг юксак кўрсаткичи, онгли ва масъулиятли ёндашувдир. Унда табиат билан инсон ўртасидаги ўзаро оқилона масъулиятли муносабат

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00935

таркиб топади. Тадқиқотчи З. Яздонов фикрига кўра, Геомаданият «табиат-жамият-инсон» тизимидаги қисмларнинг ўзаро муносабатларини мувофиқлаштирадиган, инсониятга борлиқдаги барча мавжудотларнинг диалектик боғлиқлигини англатадиган, атроф-муҳит мусаффолигини сақлашга ундайдиган ва шу орқали бутун коинотни таназзулдан сақлашга хизмат қиладиган фалсафий-ахлоқий категориядир.

Геомаданият табиат ва жамият, инсон ва табиатнинг ўзаро таъсир шакллари ва тамойиллари, жамият ва биосферанинг муносабатлари, уйғунлик қонуниятлари ҳақидаги муайян турдаги қарашлар тизими сифатида жадал ривожланиб ,бу бир мақсадга қаратилган экологик таълим ва тарбия маҳсули бўлиб, у шахснинг зарур экологик тарбияланганлик даражасини билдиради. У қуйидаги ташкил этувчиларни ўз ичига олади, экологик фаолият мотивлари илмий экологик билимлар, илмий экологик тафаккури ижтимоий экологик фаоллик, экологик жиҳатдан ўзини ўзи баҳолаш ва ўзини ўзи назорат қилиш ҳисобланади.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Тарихий тараққиёт давомида инсоният табиатни севиш, уни асраб-авайлашдан иборат маънавий-ахлоқий камолотга даъват этиб келган. Жумладан, умумжаҳон экологик маънавий тафаккур ривожига Марказий Осиёдан етишиб чиққан буюк мутафаккирлар дунёқарашини ифодалаган экологик мавзудаги маънавий мероси ҳам бунга улкан ҳисса бўлиб қўшилганлиги тарихий ҳақиқатдир. Инсоннинг экологик тафаккур тарзи у яшаб турган минтақанинг табиий-географик шарт-шароитига, турмуш маромига ва мавжуд жамият кишиларининг табиат тўғрисидаги дунёқараши ҳамда унга бўлган муносабатлари билан узвий боғлиқдир. Жадидчилик ҳаракати ва унинг етук вакиллари томонидан атроф-муҳит, табиатга оқилона муносабатни шакллантириш, табиатни асрашга доир қарашлари, миллий табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш, авайлаб-асраш ўрнига уни талон-торож этиш сиёсати қўллангани ҳақли равишда қораланганини алоҳида таъкидлаш лозим. Жадидлар эълон қилган манбаларда маданият масаласига тааллуқли қарашлар ҳам муҳим ўрин тутади. Масалан, ўтган асрнинг бошларидаёқ янги бош кўтараётган оммавий маданият таҳдидининг реал хавфидан ўз даври воқеалари жараёнини синчковлик билан кузатиб борган жадидларнинг хабардор бўлгани, хабардор бўлибгина қолмасдан бошқаларни ҳам ҳушёрликка чақирганини айтиб ўтиш лозим. Жумладан, Фитратнинг 1918 йилда «Ҳуррият»

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00935

газетасида босилган «Туркистонда руслар» мақоласида шундай ёзилади: «Бир кишининг миясиға чоғирнинг қандай таъсири бор эса, бир миллатнинг миясиға дахи салтанат ва маданият ичгусининг шундайин таъсири бор. Салтанат, бойлик ва маданият ичгулари бизнинг миямизни бузди, бизни маст этди, қўлимиздағи салтанат қиличи билан маданият дафтарини бир ёнга қўйиб сафоат чолғуларини олдиқ. Урдик, чолдик, ичдик, йиқилдик, ёндик ва шунлар учун бир-биримиз билан урушдик. Мана шу чоғларда эдиким: Русия давлати бизнинг ўлкаларимизни келиб босди. Ортуқ биз Туркистон турклари Оврупа маданияти ташигувчи бўлған рус миллатиға йўлиқған эдик. Маданий руслар билан қоришиб унларнинг далолати ила Оврупанинг маданий ва ижтимоий усулларидан таъсир олмоғимиз керак эди». Ўлкадаги иқтисодий аҳволни яхшилашда деҳқончиликнинг турли соҳаларини ривожлантириш катта аҳамиятга эгалиги алоҳида таъкидланади. Масалан, «Садои Туркистон» газетасида шундай мулоҳазаларни учратиш мумкин: «Халқнинг фақир ва камбағал бўлишининг сабаби зироат ишига аҳамият бермасликдир. Бу йилларда деҳқончилик бутун аҳамиятдан тушиб борадур. Аҳолимизнинг кўброғи ва балки ҳаммаси илмсиз ва ақчасиз кўйларинча савдогар бўлишни хоҳлайдурлар. Шул сабабдин муваффақиятсиз савдогарлар кўпайиб, деҳқонлар эса озайуб турмоқдадур. Агар халқимиз шул йўл ила борсалар, истиқболлари яхши бўлмаса керак». Мақола муаллифи халқнинг иқтисодий аҳволини яхшилаш учун биринчи ўринда деҳқончилик ишларини ривожлантиришлари, сувсиз ерларга ариқ қазиб сувлар чиқаришлари, эски ўзанларни тозалаб сув йўлларини очишлари, ориқ ерларга ишлов бериш, алмашлаб экиш усулларидан унумли фойдаланишлари, ерга ишлов беришда замонавий асбоб-ускуна ва техникавий воситаларни кўпроқ қўллашлари лозимлигини қайд этади. Шу жиҳатдан олганда, Абдулҳамид Чўлпоннинг «Садои Фарғона» газетасида чоп этилган «Ватанимиз Туркистонда зироат ва деҳқончилик», Абдусами қори Зиёбоевнинг «Садои Туркистон» газетасида чоп этилган «Тупроғимиз олтиндур», А.Музаффарзоданинг шу газетада босилган «Тупроқ надур?» каби мақолалари ҳам мазкур мавзуни мантиқан давом эттириши билан диққатимизни тортади. Бошқа бир жадид мутафаккири Аҳмад Дониш миллий тараққиётга тўсиқ бўлаётган ҳолатларни ўзининг бадии мазмундаги танқидий қарашлари орқали қуйидагича тасвирлайди: «Подшоҳларнинг сақланишлари, уларнинг саломат туришлари, мамлакатнинг ободлиги, фуқаронинг тўқлиги сипоҳларнинг розилигига боғлиқдир. Сенинг гапингга қараганда, ерлар хароб, фуқаро оч, сипоҳлар муҳтож, амалдорлар, дафтардорлар золимдирлар. Бундай салтанат,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00935

бундай давлат ҳеч вақт узоқ яшай олмайди. Отаси яшаса ҳам болалари унинг ўрнига ўтира олмайдилар. Ҳукумат интизоми бутунлай бузилади, бунга ўхшаш мамлакатни ҳукумат, давлат дейиш тўғри эмас, уни гадолар подшоҳи, ожизлар ҳукумати десалар, тўғри айтган бўладилар». Унинг фикрлари аҳамиятини бугунги кундаги ўзгаришлар ва маданий янгиланишлар даврида аниқ намоён бўлмоқда.

Фалсафий тафаккур тараққиётида ғоялар ва таълимотлар ворисийлик занжири асосида сайқалланиб, замонга мослашиб, диалектик ўзгариб бораверади, бу эса тарихийликдан замонавийликка ўзгаришда, муштараклашувда намоён бўлади. Жадид мутафаккирларининг экологик тарбия, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатга оқилона муносабатни шакллантиришга оид қарашлари бугунги экомаданиятни, халқимизнинг экологик дунёқарашини ўстиришда муҳим омил ҳисобланади. Жадид мутафакакирлари таълимотларининг энг муҳим аҳамияти, экологик танглик сабабларини ва унинг оқибатларини жамиятдаги маърифатсизлик, маънавий қашшоқлик билан боғлаб кўрсатилишини ахлоқий детерминизмнинг тизимлашган шакли сифатида қараш мумкин.

## ХУЛОСА

Халқни унумдор ерлардан оқилона фойдаланишга чақирилади ва жамиятда эгологик дунёқарашни ошириш зарурлигига алоҳида тўхталиб ўтилади. Шунингдек, уларда деҳқончилик ота-боболаримизнинг азалий фойдаланиб келинган касб-кори эканлиги, ундан фойдалироқ касб йўқ эканлиги, ер-сувнинг қадри-қимматини билмоқ зарурати, айни пайтда бошқа соҳалар сингари деҳқончиликни ҳам замонавий асосларда қайта қуриш ва такомиллаштириш лозимлиги уқтирилади. Жадид намоёндаларининг ижтимоий ҳаётга доир фикрлари жадидчиликнинг, улар олиб борган маърифатпарварлик курашларининг янги қирраларини очиб берадиган муҳим масалалардан биридир. Жадидлар ижтимоий-маданий ҳаётда инсоният ва хусусан туркий халқлар эришган маънавий-маърифий ютуқларни қадрлашга ва авайлаб сақлашга, шу билан бирга, ривожланган мамлакатларга қиёсан олганда, халқимизнинг маданий ривожланишда ортда оқсаб қолаётгани сабабларини аниқлашга интилдилар. Жадидчилик маърифий, ижтимоий-сиёсий ҳаракат сифатида пайдо бўлишининг асосий сабаби бевосита Туркистоннинг ички муҳитининг феномени бўлиб, Россия империясининг XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Ўрта Осиёни истило қилиши билан ва бунинг натижасида

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00935

вужудга келган мудҳиш ижтимоий-сиёсий вазиятнинг маҳсули бўлди. Жадидчилик ҳаракати юзага келган даврда экология атамаси ҳали истеъмолга кириб русум бўлмаган, бутун дунё мамлакатлари муаммоларини яхлит бир ҳодиса деб талқин этишга ундаган глобаллашув жараёни юзага чиқмаган эди. Жадидчилик ҳаракатининг ижтимоий қарашлари кўпроқ матбуотда ёритилган бўлиб, Жадидчилик ҳаракати ва унинг етук вакиллари томонидан атроф-муҳит, табиатга оқилона муносабатни шакллантириш, табиатни асрашга доир қарашлари, миллий табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш, авайлаб-асраш ўрнига уни талон-торож этиш сиёсати қўллангани жадид матбуотида ёритиб берилган. Инсон саломатлиги тиббий маданиятнинг жамиятда қандай мавқега эгалиги билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бу масала айни пайтда экологик маданият билан ҳам узвий алоқадорликда юзага келади. Ер, сув тозалиги, ҳаво мусаффолиги атроф-муҳитнинг қай даражада яшаш учун яроқлилигини белгиловчи муҳим омиллардир. Жадидчилик давлат, тузум, бошқарувни ислоҳ этиш, ва миллатни ривожлантириш орқали, умуман, жамиятни янги ҳаёт босқичига олиб чиқишни мақсад қилиб қўйган ғоялар ва аниқ амалий тадбирларни ўзида мужассамлаштирган тизим эди.

## REFERENCES

1. https://kun.uz. БМТ бош котиби инсониятни «табиатга қарши уруш олиб бормасликка» чақирди. 23:07 / 01.12.2019
2.Кочуров Б.И. Экодиагностика и сбалансированное развитие. Учебная посибие – Москва: ИНФРА-М. 2016, -С. 262.
3. А. Фитрат. Танланган асарлар, Драмалар, публицистик мақолалар, Тошкент:Маънавият.
4. Форобий Абу Наср, Фозил одамлар шаҳри, Т., А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.
5. Абдиева О, Аликулова М. , Алломаларимиз экологик ғояларига назар/ Халқ таълими, 2004.
6. Ҳ Ҳасанов ., Сайёҳ олимлар, Т., Фан, 1983.
7. Шодмонова С. Туркистон тарихи – матбуот кўзгусида, Тошкент: Янги нашр. –Б. 75. 2003. –Б. 201-202.
8. Залесская, Ю.И. Управление процессом формирования экологической культуры личности / Ю.И. Залесская // Кіраванне ў адукацыі. – 2008. – №4. –С. 12-16.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00935

9. Asafova, Elena V.The Development of Ecological Culture of Students in the Design and Creative Activity. Procedia - Social and Behavioral Sciences 191 ( 2015 ) 2329–2333
10. Ғуломов А.Б. Хозирги давр ўзбек ҳалқ экологик маданиятининг ўзига хос ҳусусиятлари // ЎзМУ хабарлари. -Тошкент, 2013. №4. – Б.38-40. (09.00.00; № 14).
11. Аҳмад Дониш. Наводир ул-вақое. –Тошкент: Фан. 1964 йил. –Б. 274.
12. Ahmadjonovna, E. T., & Bakhromovich, S. I. (2020). Pedagogical Analysis Of Culturo-Educational Institutions' Actions In Youth Education (On The Example Of Museum Activities). The American Journal of Social Science and Education Innovations, 2(08), 576-582.
13. Bakhromovich, S. I. (2020). Effects of Objective and Subjective Factors to Develop Intellectual Culture of Youth. Canadian Social Science, 16(2), 55-59.
14. Сиддиков, И. Б. (2018). Социально-философские аспекты формирования интеллектуальной культуры молодёжи. Theoretical & Applied Science, (1), 61-66.
15. Bakhromovich, S. I. (2020). Analysis of modern approaches to ensuring the effectiveness of management in higher education institutions. the american journal of social science and education innovations, 2(12), 364-369.
16. Bakhromovich, S. I. (2018). Social and philisophical performance of making youth's intellectual culture. European science review, (7-8).
17. Siddikov, I., & Gulomov, A. (2020). Philosophical and psychological features of the formation of asertive behavior in the development of cognitive activity. In Психологическое здоровье населения как важный фактор обеспечения процветания общества (pp. 38-42).
18. Сиддиков, И. Б. (2019). Государственная политика в отношении молодежи в узбекистане: национальный опыт и реальная необходимость международных инициатив. In Условия социально-экономического развития общества: история и современность (pp. 38-43).
19. Bakhromovich, S. I. Development trends and transformation processes in academic mobility in higher education in Uzbekistan and the world.